

ЯПОН ТИЛИДАГИ ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИККА ОИД БИРЛИКЛАРНИНГ НОМИНАТИВ ВА СЕМАНТИК МАЙДОНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-18-23>

Дилафруз Абдухабировна Абдухамидова

“Япон филологияси” кафедраси докторанти,

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети Тошкент, Ўзбекистон

Tel:+998909467500, dilyafruz.nippon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Япон тилида 家-ie-Уй тизими нафақат оилавий муносабатларни ифодалаш учун, балки жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ифодалашда ҳам кенг қўлланилади. Шу хусусиятига кўра 家-ie тушунчаси 家族 kadzoku – оила тушунчасига қараганда анча кенг мазмунни англатади. 家-ie-Уй концепти япон халқининг тафаккурида қадим-қадимдан мавжуд стереотип тушунчаларни, маданий минталитетга хос образлар структурасини ўзида акс эттиради. Ушбу мақолада қариндош-уруғчилик бирликларининг номинатив ва семантик майдони таҳлил қилинади. Номларнинг компонент таҳлили қилиниб, қондош қариндошликни англатувчи бирликлар ва никоҳдан кейин пайдо бўлган қариндошлик номларининг 家-ie -Уйга боғлиқлиги ўрганилади.

Калит сўзлар: Қариндош-уруғчиликка оид бирликлар, номинация, деннотатив маъно, коннотатив маъно, маъно кенгайтиши, ўз ва ўзга муносабати, семантик майдон.

АННОТАЦИЯ

В японском языке система 家 ie - дом широко используется не только для выражения семейных отношений, но и для выражения социальных отношений в обществе. По этому признаку понятие 家 ie - дом имеет гораздо более широкое значение, чем понятие 家族 kadzoku- семья. Понятие 家 ie - дом отражает стереотипы, существовавшие в сознании японцев с древних времен, структуру образов, свойственную культурному менталитету. В данной статье анализируется номинативное и семантическое поле термины родства. Имена родства анализируется методом компонентного анализа, исследуется отношение имена родства (кровные и брачные узы) к 家 ie – домом.

Ключевые слова: Имена родства, номинация, деннотативное значение, коннотативное значение, расширение значения, отношение свой чужой, семантическое поле.

ABSTRACT

In Japanese 家-ie- the household system is widely used not only to express family relations but also to express social relations in society. On this basis, the concept of 家 ie – the household has a much broader meaning than the concept of 家族 kadzoku – family. The concept of 家 ie - household reflects the stereotypes that have existed in the minds of the Japanese since ancient times, the structure of images inherent in the cultural mentality. This article analyzes the nominative and semantic field of the kinship term. The approach of component analysis is used to analyze kinship names. The relationship between kinship names (blood and marriage relations) and 家 ie – the household was investigated in this article.

Keywords: Kinship terms, nomination, denotative meaning, connotative meaning, an extension of meaning, inside and outside relations, semantic field

Кириш. Жамиятнинг ривожланиб бориши ҳамда инсондаги билим доирасининг муттасил равишда кенгайиб туриши тилда бу жараёнларнинг доимо янги атама (ном)лар билан ифодаланиб туришини талаб қилади. Бир хил моддий олам бирликлари дунё тилларида турлича номлар билан аталади. Сўз яшаш ҳодисаси ҳам ўз навбатида аташ (номинация) жараёни билан чамбарчас алоқада бўлади. Ономасиологик нуқтاي назардан ёндашадиган бўлсак, сўз яшашнинг барча воситалари аташ (номинация) талаблари натижасида юзага келган. Инсон билиш жараёнида нарса ва предметларга хос бўлган белги ва хусусиятларни аниқлаб боради, предметларни номлашда эса мазкур белгилардан етакчи мавкега эга бўлганини танлайди. Шу тариқа ҳар қандай нарса ва ҳодиса инсон томонидан ўзининг муносиб атамасини, номини олади.

Ш.Сафаров “Сўз семантик структурасининг марказий қобиғини эгаллайдиган тушунча мундарижаси ва кўламига нисбатан, худди маънонинг ўзи каби миллийликка мойилдир”¹ дея таъкидлайди. Ҳар бир халқ ўз миллийлигига эга, бундан кўринадики, турли тилларда нарса-ҳодисаларнинг лисоний номланишида фарқлар кузатилади. Қариндош-уруғчилик номлари ҳам шу халқнинг миллий маданияти, турмуш тарзи ва анъаналарини ўзида акс эттирувчи номлар ҳисобланади. Айниқса япон тилидаги қариндош-уруғчилик номларига маданий доминанти ҳисобланган 家 *ie* – уй концептининг таъсири сезилади. 家 *ie* – Уй шу уйда яшовчи инсонлар муносабатларини рамзий ифодалаш воситасидир.²

Ушбу мақолада қариндош-уруғчилик номларининг компонент таҳлили қилиниб, бирликларнинг 家 *ie* – Уй билан алоқаси ўрганилади. Таҳлилни япон тилининг энг янги изоҳли луғати асосида олиб борамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, япон тилида 家 *ie* – Уй тизими нафақат оилавий муносабатларни ифодалаш учун, балки жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ифодалашда ҳам кенг қўлланилади. (масалан, 内 (家) *uchi* – ўзиники 外 *soto* – ўзга муносабати) Шу хусусиятига кўра 家 *ie* тушунчаси 家族 *kadzoku* – оила тушунчасига қараганда анча кенг мазмунни англатади ва турли жабҳаларда кенг қўламда фойдаланилади. 家 *ie* – Уй концепти япон халқининг тафаккурида қадим-қадимдан мавжуд стереотип тушунчаларни, маданий минталитетга хос образлар структурасини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам уйдаги муносабатлар саноат, спорт каби турли ижтимоий гуруҳларга ҳам хос бўлиб, шу гуруҳлар ичида ҳам қавм-қариндошликка оид бирликлар қўлланилади. Чунки японлар ўзининг оила аъзолари бўлган уйга ишора қилганда 家の人 *uchi no hito* – уйдагилар бирикмасини қўллайди. Оиласига тегишли бўлмаган шахслар гуруҳига ишора қилганда эса бу муносабатлар у учун 内の人 *uchi no hito* – ичкаридагилар ҳисобланиб, 内 *uchi* (ичкари) иероглифи ишлатилади. Демак, таҳлилимизда асосий эътиборни шу жиҳатларга қаратамиз.

Аввалги тадқиқотларимизда қариндош-уруғчиликни ифодаловчи лексик бирликларни системалаштириш масаласига эътибор қаратгандик³. Шу система асосида қондошлик ва никоҳдан кейинги қариндошлик алоқаларини англатувчи ҳар бир бирликни таҳлил қиламиз.

祖父 *sofu* – бува ҳамда 祖母 (*sobo*)-буви бирликлари бир хил 祖 – *so* морфемасига 父 – ота 母 – она иероглифининг қўшилиши натижасида ясалган бўлиб, ўзидан 2 авлод юқори авлодни, ота-онанинг ота-онаси маъносини англатади. 祖父母 *sofubo* бува-буви тарзида қўшма сўз бўлиб ҳам қўлланилади. 祖 – *so* морфемаси луғатда икки хил *so* ҳамда оуа тарзидаги фонетик ўқишга эга. 祖 – *so* 2 маънони англатади: 1. Аждод 2. Асосчи 祖 – оя эса

¹ Ш. Сафаров Семантика.-Тошкент: ЎзМЭ, 2013. –Б.29

² E. L. Frolova (2011) Termini` rodstva v funktsii oboznacheniya suprugov yaponskoy semey. [Kinship terms in function of meaning couples of a japanese family] Novosibirsk

³ Д. Абдухамидова Япон ва ўзбек тилларида қариндош-уруғчиликни ифодаловчи лексик бирликларни системалаштиришга оид. “Шарқшунослик” илмий журнали. 2020. №2

ота-она ҳамда асосчи маъноларини англатади⁴. 祖父 *sofu* - бува ҳамда 祖母 *sobo* - буви, 祖先 *sose* – аجدод каби бирликларда 祖 – *so* ўз маъносида қўлланилмоқда. 祖 – *so* морфемаси 語 – *go*、国 – *koku* морфемалари билан қўшилиб, 祖語 *sogo* – бобо тил 祖国 *sokoku* – бобо юрт маъноларини англатади. Демак, 祖 *so* аслида асосчи маъносини англатувчи иероглиф морфема бўлиб, 祖語 *sogo* – бобо тил бирор тилнинг юзага келишига асос бўлган тил, 祖国 *sokoku* – бобо юрт бобокалонлар яратган ва шу ерда яшаб келаётган заминга нисбатан қўлланилиши 祖 *so* иероглифининг маъно кенгайиши асосида юзага келган сўзлардир.

Бундан ташқари, 祖父 *sofu* - бува ҳамда 祖母 *sobo* - буви бирликлари олдида 外 *soto* (ташқари) иероглифининг қўшилиши натижасида 外祖父-*sotosofu* – она томондан бува 外祖母 *sotosobo* – она томондан буви каби сўзлар ясалиб, қариндошчилик муносабатининг ота ёки она томондан эканлигини билдиради. Ушбу мисолларда японларга хос 内 *uchi* - ўзиники 外 *soto* - ўзга муносабати яққол намоён бўлади. Яъни 家 *ie* – уйнинг ичидаги одамлар, бундан ташқари шахсга ҳам биологик ҳам психологик жиҳатдан яқин инсонлар 内 *uchi* – ўзиники деб қабул қилинади. Ҳам биологик ҳам психологик жиҳатдан узоқ бўлганлар эса уйдан ташқарида деб тушунилиб ўзга шахс саналади. Демак, япон тилида уй хўжайини эркак киши саналиб, у шу уй яъни авлод давомчиси сифатида оила қуриб фарзандларини шу уйда тарбиялайди. Ота-онаси, хотини фарзандлари билан бирга шу уйда яшайди. Шу жиҳатдан набиранинг отасининг ота-онаси (ота томон бува-буви) уйнинг ичида у билан бирга яшагани учун 内祖父母 – *uchi sofubo* – ўзининг(ичкаридаги) бува-бувиси деб тушунилади, бунга нисбатан 外祖父-*sotosofu*, 外祖母 *sotosobo* бирликлари набира яшаётган уйдан ташқаридаги материяга ишора қилиб, моддий узоқ муносабатни англатгани учун она томондан бува-буви 外 *soto* (ташқари) олд морфемаси қўшилиши билан берилмоқда. Бундан кўринадики, қавм-қариндошлик бирликларининг фарқланишида уйнинг ичи ва уйнинг ташқариси умуман ўз ва ўзга муносабати катта аҳамиятга эга.

Натижа. 親 *oya* нинг изоҳли луғатда 9 та семемаси келтирилган. 親 *oya* – ота-она бирлигининг изоҳли луғатдаги фарзанд дунёга келтирган инсон ёки болани асраб олган шахс, ота билан онанинг умумий номи англатиш учун ёки улардан бирини кўрсатиш учун ҳам ишлатилувчи маънолари унинг деннотатив маъносидир. Бундан ташқари, асос, асосчи, бошқарувчи, юртбоши, ташаббускор, отабоши каби маънолари унинг маъно кенгайиши асосида юзага келганини кўриш мумкин. Ўзбек тилида *уйдагилар* сўзи орқали оиланинг аъзолари, ота-она тушунилади. Япон тилида 親 *oya* бирилиги ўрнига 家の人 *uchi no hito* бирикмаси қўллаш орқали 親 *oya*, 両親 *ryoushin* – ота-она назарда тутилади:

しかし、若いから、これで待機療法だけにするわけにもいかず、とにかく手術するつもりで、二度目のときに、家の方に来てもらいました」. 「家の人が来ましたか？」驚いて、真一がきき返した。

Shikashi, wakaikara, kore de taikiteki ryouho dake ni suru wake ni mo ikazu, tonikaku shujutsu suru tsumori de, futatabime no toki ni, uchi no kata ni kite moraimashita. -Uchi no hito ga kimashita ka? Oodoroite, Shinichi ga kiki kaeshita.

Лекин ёш бўлганим учун режавий муолажа билан чекланмай барибир операция қилдириш ниятида 2 мартасида уйимдагилар келиди. – Уйингдагилар(ота-онанг) келишдими? деб Шиничи ҳайрон бўлиб сўради.

Демак, япон тилида ота-она бирлигини ҳам бевосита, ҳам уй ичидаги яқинларини назарда тутиб 家の人 *Uchi no hito* каби билвосита англатиш мумкин.

⁴松村 明 (2021) 「国語辞書デジタル大辞泉」 小学館

父- *chichi* фарзанди бор эр киши, ота-оналардан эркак кишиси маъноси унинг деннотатив маъносидир. お父さん- *otosan*、父上- *chichiue*、お父様- *otosama*、父君-*chichigimi*、親父- *oyaji* каби бириликлар отанинг синонимлари бўлиб, бу бириликлар 父- *chichi* асосига қўшимча морфемалар қўшилиши натижасида ясалган ясама сўзлардир. 家 *ie* – уй ва 父 *chichi* сўзларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган 家父 *kafu* бирлиги бегоналарга ўз отаси ҳақида гапирганда қўлланилувчи, уйдаги отам маъносини англатувчи сўздир. 親父- *oyaji* бирлиги ҳам қўлланилув доираси кенг. 親父- *oyaji* 父 *chichi* бирлигига нисбатан ҳиссий экспрессив бўёққа эга сўздир. Ўз отасини эркалаб, уйдан ташқарида бегоналарга нисбатан ҳурмат юзасидан *dadam* тарзида камтарлик билан қўлланилиши, 親父- *oyaji* нинг деннотатив маъноси бўлса, бегоналарнинг отасига, савдо (бозор, дўкон), хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошлиқ, корхона бошлиғини ишчилар томондан 親父- *oyaji* деб аталиши отанинг коннотатив маъноси ҳисобланади.

内 *uchi* - ўз 外 *soto* – ўзга муносабати набирани билдирувчи 内孫 *uchimago*、外孫 *sotomago* бирликларида ҳам кўзга ташланади. 家 *ie* – уйнинг ворис фарзандидан туғилган бола уйдаги набира дейилади. Японларда асосан уй давомчиси ўғил бола ҳисобланади ва шажаранинг давомчиси сифатида шу уйда ота-онаси билан бирга яшайди. Бунга нисбатан, бошқа уйга келинликка узатган қизнинг боласи ота-онанинг ўз уйига нисбатан ташқари, бошқа уйда яшаганлиги учун 外孫 *sotomago* ташқаридаги набира ҳисобланади.

Энди япон тилидаги никоҳдан кейинги қавм-қариндошлик бирликларини таҳлилга тортамыз.

Қадимда 家 *ie* инсон яшаши ҳамда шу ерда савдо қилиши учун мўлжалланган жой ҳисобланган. 家 *ie* – уй сифатида уй хўжалиги, яшаш жойини англатувчи сўз бўлиб, бунда уйнинг аъзолари оила бўлиб бирга яшашлари, бирга уй хўжалигини юритишлари назарда тутилади. Жаноб, хўжайин маъносини билдирувчи 主人 *сюдзин* қадимда зодагонлар орасида уй ва савдо умуман катта хўжаликни бошқарувчи шахс сифатида тушунилган. Ҳозирда яхши сифатларга эга уй хўжайни, турмуш ўртоқ, эр маъносини англатувчи сўзга айланиб хотин томонидан турмуш ўртоғини кўрсатиш учун қўлланилиб маъноси бирмунча торайган. Бундан кўринадики, 主人 *сюдзин* бирлиги эрни англатиб, 家 *ie* – Уй асосида юзага келган номдир. Изоҳли луғатда 主人 *сюдзиннинг* 4 маъноси келтирилган: 1. Уйнинг хўжайни, оила бошлиғи 2. Корхона эгаси, иш берувчи, хўжайин. 3. Хотин ўзгаларга нисбатан эрини кўрсатиш учун қўлланилувчи ном. 4. Меҳмонларни кутиб олиб меҳмон қилувчи мезбон⁵. Кўриниб турибдики, бу 4 маъно Уйга бориб тақалади. Уй хўжайнисиз уй мавжуд эмас, корхона бошлиғи хўжайин маъносини англатишида ҳам ишхона Уй сифатида қабул қилинади. Хотин уйдаги хўжайинини кўрсатиш учун 主人 *сюдзин* ни қўллайди бунда у уйда эри устун эканлигини англатади. Бундан ташқари, 主人 *сюдзин* мезбон сифатида уйга меҳмонларни қабул қилувчи шахсдир.

Изоҳли луғатда 主人 *сюдзиннинг* синонимлари сифатида 夫 *otto* 亭主 *teishu* 旦那 *danna* кабилар берилган. Ҳозирги замонавий Японияда уйда, умуман жамиятда гендер тенглиги нуқтаи назаридан хотин ўз эрини 主人 *сюдзин* дейиши бирмунча эскирган ва аёллар ҳуқуқларини чекловчи термин сифатида баҳоланса-да, бу термин хали ҳануз ўз қийматини ёқотмаган. 2017 йилда ўтказилган тадқиқотда ўз эрига нисбатан аёллар 夫 *otto* ва 主人 *сюдзинни* энг кўп қўллашлари аниқланган. 旦那 *danna* эса 20-30 ёшлилар ўртасида қўлланилувчи ном бўлиб, фойдаланилув доираси нисбатан кам⁶. Кўпинча аёллар уйда эр ва

⁵松村 明「国語辞書デジタル大辞泉」小学館 2021

⁶光美水元 (2017) 「他人の配偶者の新呼称を探るアンケート調査—「ご主人」「奥さん」から「夫さん」「妻さん」への移行の可能性—」日本語とジェンダー第 17 号、p 17

хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги нуқтаи назаридан *хўжайин* маъносидан ҳоли 夫 *otto* бирлигини аташ учун ишлатадилар.

Япон тилида хотин маъносини англатиш учун бир нечта синоним бирликлар ишлатилади. Булар 妻 *tsuma*, 嫁 *yome*, 女房 *nyobou* 家内 *kanai*, 奥さん *okusan* кабилардир.

妻 *tsuma* бу синонимларнинг ичида энг қадимгиси Нара даврида ёзилган энг қадимий ёзма манба “Кодзики” да учрайди. Ўша даврда ҳозиргидек никоҳ тизими мавжуд бўлмаган. Ўша пайтда ота-онанинг розилиги асосида бирга яшайдиган аёлини 妻 *tsuma* деб чақирилган. Фақат Мейдзи даврига келиб ҳозирдаги каби никоҳ тизими жорий қилинган ва никоҳдаги жуфтини расмий 妻 *tsuma* хотин дея аталган.

嫁 *yome* - келин термини 3 та маънони англатади: ўғилнинг хотини, келин ва хотин. Аслида 嫁 *yome* хитой тилидан олинган сўз бўлиб, 嫁 *totsugu* иероглифи феъл туркумига оид сўздир. 女 *onna* (аёл) ва 家 *ie* (уй) иероглифларининг бирлашувидан ҳосил бўлган 嫁 *totsugu* аёл(қиз)нинг туғилган уйдан эрнинг уйига бориши, турмушга чиқишини англатган⁷. Япон тилига ҳам 嫁 *yome* от сўз туркуми тарзида, ҳам 嫁 *totsugu* феъл тарзида ўзлашган. 嫁 *yome* сўзи *yobime* сўзидан келиб чиққан, 嫁 *yome* сўзма сўз киз(аёл)нинг уйдаги исми маъносини англатади. Демак, бу бирлик ўз уйини ташлаб бегона уйга ишлаш, набиралари дунёга келтириш, турмуш ўртоғининг ота-онасига ғамхўрлик қилиш учун келган қизни англатган. Шу жиҳатдан 家-Уйга боғлиқ дейиш мумкин.

女房 *nyobou* асл келиб чиқиши “хизматкор аёл” маъносига бориб тақалади. Хейан даврида зодагонлар уйи саройларида хотинидан бошқа ош-овқат ва уй юмушларига қарашувчи хизматчи аёлни ёллаганлар ва у ҳам саройда яшаган. Мана шу хизматчи аёлнинг яшаш хонаси 女房 *nyobou* деб аталган. Кейинчалик шу хона номи хизматчи аёлни чақириш учун қўлланилиб, мурожаат номига айланган. Демак, бу ном ҳам уйнинг бир қисми хона маъносидан шахс маъносига кўчган.

奥さん *okusan* рафикани билдирувчи мулойим стилга эга лексика. Муромачи даври 1562 йилда ёзилган 『北条幻庵覚書』 манбада 奥さん *okusan* нинг келиб чиқиши 奥方 *okugata* сўзига бориб тақалиши ёзилган⁸. Эдо давридаги савдогар оиласи яшайдиган Уйнинг қурилиши оригинал режалаштирилган бўлиб, кенг бўлмаган фасад ва уй бўйлаб ичкариги қириладиган қилиб қурилган. Уйнинг олд қисми савдо ишлари ва мижозлар учун, уйнинг энг орқадаги ичкари 奥- *oku* қисмида оила яшаган. Агар эр уй олд қисми (эшикдан киравериш)да савдо билан шуғулланган бўлса, аёли уйнинг ичкари қисмида юмушлар билан машғул бўлган⁹. Қадимда император рафикасининг хонаси саройнинг энг ички 奥- *oku* қисмида жойлашган. Шу хонанинг жойлашуви асосида 奥- *oku* морфемасига ~さん *san* суффикс морфемаси қўшилиши натижасида 奥さん *okusan* рафика сўзи келиб чиққан. 奥さん *okusan* асосан суҳбатдошнинг рафикасига нисбатан қўлланилувчи ҳурмат услубий бўёғига эга бирлик саналади. Сўзловчи ўз хотинига нисбатан бу сўзни қўлламайди, балки ўз уйдагиларига 妻 *tsuma* 家内 *kanai* ни ишлатади. Бунда ҳам император аёлининг, хўжайиннинг хотини яшаган жой қариндошликни англатувчи номга кўчиши орқали маъно кенгайганини кузатиш мумкин.

家内 *kanai*- иероглифига эътибор берилса, 家-*ka*-Уй ва 内-*nai*(учи) –уйнинг ичи маъносини англатиб, бу бирлиكنинг келиб чиқиши Мейдзи даврига бориб тақалади. Мейдзи

⁷ 『広漢和辞典上巻』(1981) 大修館書店

⁸ 語源由来辞典 <https://gogen-yurai.jp/okusama/>

⁹ E. L. Frolova(2011) Termini` rodstva v funktsii oboznacheniya suprugov yaponskoy semey. [Kinship terms in function of meaning couples of a japanese family]Novosibirsk

даврида Японияда 会社制度 *kaisyaseido* корхона тизими пайдо бўлиб, кенг миқёсида ёйилди. Бунда эркак уйдан ташқарида корхонада ишлар, аёли эса уй бекаси сифатида уй хўжалигига асосий этиборни қаратган. Уйдан ташқарида ишлайдиган эркаклар турмуш ўртоғини “уйнинг ичидаги аёл” маъносида 家内 *kanai* деб номлай бошлади. Бунда хотин “уй ичида” бўлиши ҳақидаги қарашларга асосланарди. Лекин бу 1948 йилдаги конституциявий ўзгаришга асосан эр-хотин тенг ҳуқуқли бўлган жамият учун, замонавий японлар учун анча эскирган стереотип тушунчага айланган. Аслида бу бирликнинг луғатда 3 маъноси берилган, булар уйнинг ичи, оила ҳамда хотин маъноларидир. Ҳозирда 3-шахс билан мулоқатда ўз хотинини билдириш учун қўлланилади.

Хулоса. Кўриб турганимиздек, япон жамиятида “家-*ie* Уй концепти қариндош-уруғчиликка оид бирликларни шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Япон тилида яшаш жойи ёки унинг қисмларини англатувчи номлар маъно кенгайиши асосида қариндош-уруғчилик оид бирликлар номига кўчган. Бу номлар ортидаги стереотип тушунчалар уйга, жамиятга, унинг аъзоларига таъсири ҳали ҳам сезиларли.

Қариндош-уруғчилик оид бирликларда ота томон ва она томон қариндошлигини билдирувчи ва уларни фарқловчи япон тилида махсус терминлар мавжуд бўлмаса-да, японлар тафаккуридаги бир уйда шу шахс билан бирга яшаши қараб 内 *uchi* уйнинг ичидаги қариндошларига нисбатан тушунилувчи ота томон қариндошлигини ва 外 *soto* уйнинг ташқариси, шахсга моддий узоқ қариндошликни билдирувчи, она томон қариндошлик муносабатини назарда тутувчи ҳодиса мавжуд. Бу эса японларда она томон ва ота томон қариндошлиги фарқланиши 内 *uchi* ва 外 *soto* сўз морфемаси бирликларга олд морфема сифатида қўшилганда намоён бўлади: 外親戚 *sotoshinseki*、外祖母 *sotosobo*、外祖父 *sotosofu* каби.

Демак, шахснинг 家 *ie* –уйнинг ичида ёки унинг ташқарисида эканлигига қараб қариндошликка оид бирликлар маъноси ва муносабат шакли белгиланади: 内孫、外孫 каби.

Жамиятнинг турли гуруҳлари ичида ҳам қавм-қариндошликка оид бирликлар қўлланилади. Маълум корхонанинг ўзи бир алоҳида Уй 家-*ie* деб ҳисобланиши, корхона раҳбари 親父 *oyaji* –ота деб номланиши ўз корхонаси ўз Уйи 家-*ie*, бошқа корхона ўзганинг уйи сифатида қабул қилиниб, мурожаат жараёнида бунга катта эътибор берилиши бунга мисол бўла олади.

Япон тилида 家 *ie* –уйнинг семантик майдонини 祖父 *sofu*, 祖母 *sobo*, 親 *oya*, 父- *chichi*, 母 *haha*, 家父 *kafu*, . 親父- *oyaji*, 内孫 *uchimago*, 主人 *сюдзин*, 夫 *otto* 妻 *tsuma*, 嫁 *yome*, 女房 *nyoubou*, 家内 *kanai*, 奥さん *okusan* кабилар ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Сафаров Ш. Семантика.-Тошкент:ЎЗМЭ, 2013. –Б.29
2. Frolova E. L. (2011) Termini` rodstva v funktsii oboznacheniya suprugov yaponskoy semey.
3. Абдухамидова Д. Япон ва ўзбек тилларида қариндош-уруғчиликни ифодаловчи лексик бирликларни системалаштиришга оид. “Шарқшунослик” илмий журнали. 2020. №2
4. Karimov, A. A. (2022). The Problem Of The Grammatical Category Of The Chinese Language. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 5, 226-229
5. 松村 明 (2021) 「国語辞書デジタル大辞泉」 小学館
6. 『広漢和辞典上巻』(1981) 大修館書店
7. 光美水元 (2017) 「他人の配偶者の新呼称を調べるアンケート調査—「ご主人」「奥さん」から「夫さん」「妻さん」への移行の可能性—」 日本語とジェンダー
8. 第 17 号、p 17